Европанинг йирик молиявий марказларидан бири — Швейцариянинг Женева шаҳрида истиқомат килаётган ҳамюртимиз Носирхон ФОЗИХОНОВ бўлди.

Қаҳрамонимиз ҳозирда Женевада жойлашган Жаҳон савдо ташкилоти бўлимида амалиёт ўтмоқда.



Носирхон Фозихонов: Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилоти аъзоси бўлишига ҳисса қўшмоқчиман

— ЖСТда ишлаш имкониятига эга бўлган ilk ўзбекистонликсиз. Бу қандай амалга ошган?

— Тошкент шаҳрида туғилғанман. 2012-2016 йиллар Тошкентдаги Халқаро Вестминстер университетида тижорат хукуки факултетида таҳсил олдим. Бакалаврни тутгатиб, бир муддат "Ипак ўйли" банкининг Мирзо Улуғбек филиалида хизмат қилдим. Ишлаш қатори 2017-2018 йиллар Тошкент давлат юридик университетининг магистратура босқичида ҳам ўқишга мувафқа бўлдим.

Иккى олийгоҳдаги таълим

ва банкдаги хизмат даври дунёкашими ва соҳам бўйича тажрибага эга бўлишимга катта ёрдам берди. Аммо, болаликдан хорижга чиқиш, чет эллик дўстлар ортиришиният қилар эдим. Шу боис, 2018 йили Франция хукуматининг BGF стипендия дастурига ариза топширдим ва ижобий жавоб олдим. Ушбу грант Франциядо ўқиш учун ойлик стипендия, ўйл ва тиббий сурурга ҳаражатлари кабиларни қоплади. Аммо, мен Франциядаги ҳусусий университетда ўқиганлигим сабабли стипендия дастури тўлов-контрактимни тўлиқ қоплай олмади. Бирор, ўзим ишлаб "Ипак ўйли" банкининг молиявий кўмаги билан шартнома мидорини тўлиқ тўлашга эришдим.

Франциянинг Лион шаҳрида "Халқаро савдо ва инвестициялар хукуки" бўйича бир йиллик магистрлик дастурда таҳсил олиб ҳозир, 2019 йилнинг июн ойидан бери Женевада Жаҳон савдо ташкилоти бўлимида амалиёт ўтаб келяяман. Эътиборлиси, ЖСТда ишлаш имкониятига эга бўлган илк ўзбекистонлик эканимдан ҳам хурсандман.

— Сизнингча, Швейцария бугунги ривожланниш босқичига қандай омиллар ортидан эриша олди?

— Жуда қизиқ савол. Аввали, Швейцария ҳақида қисқача тўхталиб ўтсам. Мамлакат 26 кантондан иборат конфедерация ҳисобланади. Аслини олиб айтганда, ушбу кантонлар "штатлар" бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз қонунлари, қонун чиқарувчи органи, суд ва ижро этувчи ҳокимиятларига эга. Бу ернинг демократия тамоилиларига ҳавас қиласиз. Яъни, улар йилига бир неча марта мамлакат учун мухим бўлган мавзуулар бўйича референдум ўтказади. Аммо бундай бошқарув усулининг бир мунча мурракаб ҳаражатлари ҳам бор. Бунда давлат учун мухим бўлган қонун ҳужжатларини қабул қилиш ва уларни барча 26 кантонга ўйгунлаштириш учун бир неча йиллар қабар кетади.

Шунингдек, Швейцария Европа қитъасининг юрагида жойлашган бўлса-да, Европа Иттифоқига атэзо эмас, ҳатто Европа иқтисодий ҳудудига ҳам кирмайди. Бирор, бунинг ўрнига мамлакат Европа Иттифоқи билан муносабатларни икки томонлама келишувлар орқали амалга оширади. Шунга қарамайди, Швейцария ва Европа Иттифоқи ўртасида товорлар, хизматлар ва одамларнинг эркин ҳаракатланиш имконияти мавжуд.

Яна Швейцария бетараф давлат ҳисобланади. Бу ерда социализмнинг минимал дарожаси сақланиб қолган. Масалан, Франциядо ўқиётганимда мемда талабалар учун мўлжалланган кўплаб имтиёзлар бор эди. Жумладан, ёткоҳона учун ойлик ижара ҳақининг 50 фо-

изини қоплаш, ўқиш вактида бепул тиббий сурурта, транспорт ва спорт залларига 50 фоизли чегирма, талабалар учун маҳсус ресторанларга кириш ва ҳатто баъзи кийим дўконларида менга 25 фоизгacha чегирмалар бериларди. Швейцарияда эса булар ҳақида фақат орзу қилиш мумкин, холос.

Үйлашибимча, юқоридаги мисолларни Швейцариянинг ривожланниш омиллари сирасида киритса бўлади.

— Очиги, сўнгги гапларигиздан Швейцарияда яшаш катта ҳаражатларни талаб қиласди, деган хуласага келяяман. Мамлакатдаги нарх-наво қандай ўзи?

— Аслини айтганда, хоҳ Европа, хоҳ Осиё бўлсун, ҳамма жойнинг ўзига яраша пасту баландликлари, етарлича кулайлик ва қийинчиликлари бор. Швейцариядаги нарх-наволар тўғрисида гапиришдан олдин мамлакатда иш ҳақи дунёдаги энг юқори кўрсаткилардан эланлигини aloҳида таъкидла-моқчиман.

Энди саволингизга тўхтала-диган бўлсан, Швейцариядаги Женева ва Цюрих шаҳарлари ҳар йили дунёдаги энг қиммат шаҳарлар ўнталигидан жой олиб келмокда. Бу ерда одатий тушлик нархи 20-25 доллар, транспорт учун ойлик обуна 70 доллар ва Женевадаги бир хонани квартира ижараси ўртacha 1200-1500 долларни ташкил этиади. Буларнинг барчаси, албатта, АҚШ долларидаги нархлар.

— Швейцарияликлар ха-рактер жиҳатидан қандай ҳал?

— Бу саволга жавоб беришдан олдин Швейцарияда тўртта расмий тил мавжудлиги, шундан учтаси энг кенг тарқалганигини таъкидлаш лозим. Ўз навбатида, ҳар бир тил маданият ва характер жиҳатидан ҳам фарқланишларни тақозо этиади. Шу жиҳатдан Швейцарияни уч қисмга ажратиш мумкин.

Мамлакатнинг қарийб 60 фоизини Швейцария-Германия қисми ташкил этиади. Бу ерда асосан немис забонлар яшашади. Улар мулоқотта киришувчан ва дўстона бўлишса-да, вақтларини беҳудага сарфламайдилар. Бу қисмнинг яна бир ўзига хослиги жамоат транспортидаги тартиб ва вақт қоидаларига амал қилишидир. Яъни, сиз ишга ёки учрашувга жамоат транспортининг кеч келиши ортидан кечикканингизни айтсангиз, унда бу қабул килиб бўлмайдиган узр бўлади.

Шунингдек, мамлакатнинг қарийб 20 фоизини Швейцария-Франция қисми эгаллаган бўлиб, энг маданий ҳудудлардан. Бу қисмда французча ҳаётнафаси сезилиб туради.

Ва ниҳоят, Швейцария-Италия қисми давлат ҳудудининг 10 фоизини ўз ичига олган. У ердаги яшаш тарзи Италияга ўхшаш бўлса-да, анча самарали тизимга эга. Яъни, Италиядан фарқли ўлароқ жамоат транспорти ҳар доим ўз вақтида ҳаракатланади. Ўллар тоза, полиция ҳам жуда тартибила ва ҳушумомала.

Энди умумий швейцарияликларига хос характер бу — уларнинг хорижий саёҳатларга жуда кам чиқиши одаларни. Улар кўпинча ўз мамлакатлари бўйлаб саёҳатни афзал кўришади. Албатта, бунинг ажабланарли жойи йўқ. Бониси, Швейцарияда туристлар кўришни хоҳларатди деярли ҳамма нараси бор: тоглар, дунёдаги энг тоза кўллар, ривожланган транспорт тизими ва ҳокозо.

Умуман, швейцарияликлар биз ўзбеклар сингари самимий ва меҳмондўст ҳалқ.

— Келгусида амалга оширмоқ бўлган қандай режаларингиз бор?

— Амалиётни тутгатганимдан сўнг, ўзимга яқин бўлган банк тизимида ишлашимни истисно қилмасам ҳам, аммо ҳалқаро савдо соҳасидаги профессионал фаолиятимни давом этиришин режалаштирмоқдаман.

Хусусан, энг мақбул шаротларда ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилоти аъзоси бўлишига ўз хиссами кўшишдан мамнун бўламан.

Шунингдек, келгусида бўш вақтларимда дарс беришини ҳам ҳоҳлардим.

Нурилло ТЎҲТАСИНОВ
сұхбатлашди



8 | кўзгу

СОВЧИЛАР —

ҚИЗ ОВЛОВЧИЛАР



“Эшикмашик совчиликка юриб росатинкам қуриди”, ёки “Ҳар куни совчи кутяпман, лекин пиочқа илинадиган күёв йўқ”, деган гаплар тез-тез куломгимизга чалинади.

Қаромат ОҚИЛЖНОВА, маҳалла маслаҳатчиси:

Бирор хонадон қиз узатмоқчи ёки ўғил уйлантироқчи бўлса аввало, маҳалла фаоллийдан сўрагани маъкулроқ. Чунки биз ўз худудимиздаги ҳар бир хонадоннинг шарт-шароитини яхши биламиз. Лекин, афсуски, бўлажак келинни ёки күнни суриштирадиганлар бизга кўпда мурожаат қўлавермайди. Қўшиларни ҳар доим холис деб бўлмайди. Бир-бира билан азалдан келишмаган қўшилар бъозида қиз ёки йигит ҳақида нотўғри мәвлумот ҳам бериши мумкин. Қолаверса, маҳалла-кўй ҳам ҳар бир оила ҳақида холис баҳо бериши керак. Андешага бориб қиз ёки йигитнинг камчилигини яшириша, кейинчалик бу нафақат икки ёшни аросатда қолдиради, балки маҳалла-кўйни ҳам қийин вазиятга кўяди.

Гулчехра МУРОДОВА, ўқитувчи:

— Ўттиз ёшдан ошганига қарамай ҳали турмушга чиқмаган бир ўқувчим бор. Қадди-комати келишган, одобли қиз. Яқинда “нимага турмушга чиқмаяпсан ё ҳалим янга танлајсанми”, деган гапимга “Кўча бошида холам туради. Тўрт нафар қизи бор. Мени сўраб-суриштирган совчиларга оиласизни, мени ёмонлашдан нарига ўтмайди. Чунки мен холамнинг қайнисига тегмаганман, қолаверса, ўзининг қизларни узатиши керак. Яна иккى қизи қолди. Шулар эрга тегса, менинг ҳам баҳтим очилиб қолар”, деб ҳазилнома жавоб берди. Қани энди, совчилар эшикмашик совчиликка тажрибасиз совчилар ҳам сабабчи бўлади.

Ха, бу бор ҳақиқат, кейинги пайтларда совчилар қизнинг ташки қиёфаси, ўқиган-ўқимагани, отасининг қаерда ишлари билан қизишишади. Ҳўш, қизлар ёки бўлгуси күёв ҳақида ким холис ва тўғри жаоб бериши мумкин?

Яқинда яна худди шундай сұхбатнинг гувоҳи бўлдим:

— Опамнинг ўғлига қиз тоши учун роса маҳаллаларни айландик, шу десангиз, бир неча хонадонга кириб чиқдик, аммо њеч бири жияннинг ёқмади.

Нимасини айтасиз, ўғлимни уйлантиргунимча юздан ошиқ қизни кўрдик, хонадонма хона-дон юрдик.

Ҳа, айниқса, шахар худудида совчилар бир пайтнинг ўзида бир неча хонадонга кириб қизларни “ов”лётгани сир эмас. Ўйлаб қолсанда, мана шунча уринишлардан кейин ҳам ёшлар баҳти бўлиб кетсанку олам гулистоң, лекин баъзида акси бўлса-чи, танлов ўзини оқламасачи?

Кейинги пайтларда ёшларнинг тақдирни совчиларга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Аслида совчиларнинг ҳам ўз қонун-қоидаси бор.

Мехри ая СУЯРОВА, 72 ёш:

Бир пайтлар қишлоғимизда бўйи етган қизларга, албатта, кўпни кўрган, обрў-эътиборли, ҳаётни яхши тушунган, турмушида ҳамма нарсаси бадастирпазлар совчиларни бориша-

ди. Йигитнинг ота-онаси келин кидираётганда “Биз фалончининг қизини ўғлимизга келин қилмоқчимиз, сиз нима дейсиз”, деган маслаҳат сўрашган. Масалан, бизнинг маҳалламида кўпни кўрган бир отaxon бўлиб, унинг фарзандлари ўзидан тинч кетган, ҳаммага ибрат бўладиган оила бошлиғи эди. Кимнинг қизига кимнинг ўғли муносиб ёки икки оиласда мухит қандай — ҳаммасини эринмай ўрганиб чиқарди. Ёшлар турмуш қургач бирор масалаҳатли гап чиқиб қолса яна ўша совчига мурожаат қилинади. Ҳозир совчи бўлмиши ўзининг њеч ҳақида гапига жавоб беролмайди. Қиз ёки йигитнинг роса мақтовини келтиради келгусида бир ишкан бўлиб қолса ўзини четга олади. Оилаларнинг бузилиб кетишига кўпинча тажрибасиз совчилар ҳам сабабчи бўлади.

Ха, бу бор ҳақиқат, кейинги пайтларда совчилар қизнинг ташки қиёфаси, ўқиган-ўқимагани, отасининг қаерда ишлари билан қизишишади. Ҳўш, қизлар ёки бўлгуси күёв ҳақида ким холис ва тўғри жаоб бериши мумкин?

РУҲШУНОС ҲУЗУРИДА

БОЛАНИ УЯЛТИРМАНГ

— Бола бирор айб ёки хато иш қилиб қўйса, уни кўпчилик олдида изза қилиш тўгрими?

А.БАКИРОВА,
Наманган вилояти

Маҳмуд Йўлдошев: — Боланинг илк бор мактабга бориши қанчалик ҳаяжонли бўлмасин, бу унга қийинчиллик тудирмайди. Чунки мактабда ўқитувчи хамма болаларни бирдай кўради. Оиласда ҳам болага мактабга боргани учун алоҳида ёзтибор бермасдан, мактабда ўқиш унин гўзи учун керак бўлган бурч сифатида қараган маъкул. Ана шундагина бола ўз вазифаларига, мактабда берилган топшириклиарга шахсий бурч сифатида қарашга ўрганиди. Бошлангич синф ўқувчиси мактабчага ўзгари қиликларини энди таорламайди. Ҷой бола ўжарлик қилиб пиёланни отиб кибориши мумкин, бу холда у пиёланинг синишини ўйлаб ҳам ўтирамайди. Аммо бошлангич синф ўқувчиси бун-

дай қилмайди, бу қилини ўзига эп кўрмайди, чунки атрофдагилар унинг бу характеристига қандай баҳо беришини билади ва уялади. Демак, инсонни шахс сифатида шакллантирувчи, бошқа жонзорлар орасида учрамайдиган туйғулардан бири уятдир.

Болани њеч вақт уялтириласлик ва изза қилмаслик лозим. Шундай экан, болангизнинг ноўрин, хато ишини, англатишилмовчилик юзасидан, тажрибасизлик туфайли йўл кўйган хатти-ҳаракатини қоралаб, жазолаб ўтирамаг. Айниқса, бўлиб ўтган кўнгилгизсиз воқеани ўзига солиб изза қилманд. Агар бу воқеадан бошқаларни ҳам хабардор қилсангиз, бола руҳиятида кечинма янада оғирроқ тус олиши

мумкин. Болани хато ишлардан огоҳлантириб тарбиялаб борсангиз, унинг оиласидаги ўрнини камситмаган буласиз. Тарбияни болангизнинг кўлидан пиёла тушиб кетиб синганида эмас, бу ҳолат юз беришидан анча илгари, яъни иш буюраётганингизда: “Эҳтиёт бўл, синиб қолмасин”, деб, нағфосиятига тегмайдиган даражада ўргатиб боринг.

Бола ўз иродаси билан, мустақил тарзда ўз ишларни бажаришга ўрганса, сиз ишдан қайтганингиздан кейин уни дарс тайёрлашга мажбур қилишингизга ўрин қолмайди. Мустақил, ўзини ўзи тергашга ўрганган болагина келажакда ўз ҳаётини тулиқ таъмин эта олади.



ўзига яраша юки бор. Икки ўшнинг бошини қовуштириш масаласига панжа орасидан караб бўлмайди. Совчи ҳар бир айтаётган гапига жавобгар бўлиши керак. Чунки бир оиласидан бузилиши жамиятга ҳам катта зарар келтиради. Қиз ёки йигит жонсиз буюмаски айбини яшириб мақтовини ошириб ўтказиб юборсангиз. Кўпинча бизга ёшгина келинлар асадидан шикоят қилиб келишади. Сабаби бир-бира гаптако тескари оиласидан мутлако мукт. Келинлар тинч ёки ўзига тўқ тўқ оиласидан уруш-жанжалли, этишмовчилиги бисёр оиласидан гўни-колмаёттанидан нолишиади. Бунга ҳам яна ўша совчилар айбдор. Яни, ҳиз томонини авраб додга қолдиришиади. Ахир “Тенгенти билан...”, деган мақол бежизга айтилмаган.

Олимжон ТУРДИМОВ, ҳайдовчи:

Қизимнинг баҳтисиз бўлиб қолишига мен сабаби бўлганман. Яхши жойлардан чиққан совчиларни қайтарганим. Аммо совчи билан совчининг фарқи бўларкан. Агар гипноз қиладиган совчи домига тушиб қолсангиз тамом. Мен ҳам гиёҳванд йигитни қиёмини кептириб мақтаган совчининг гапи билан қизимни нақ чоҳга итарганим. Қизим калтак еб йиғлаб иккич-марта қайтиб кепганида бояги гапдон совчи авраб қайтариб олиб кетган. Мен ҳам совчининг гапига учганман, оқибат нима бўлди, кўёвим қизимни ҳам гиёҳванд қилиб кўйди. Ҳозир қизим ўйда, даволаттанимиз билан фойдаси йўқ. Энгорт олдида бояшим эгик. Мени чуб туширган совчини ким жазолайди. Эшишпишмича, у ҳамон совчиларни давом этираётган эмиш.

Собир ҲОТАМОВ, асадаси касалликлари шифокори:

Дарҳақиқат, ёшларнинг тақдирни совчиларнинг тажрибаси, маҳорати қайд даражада бўлшишига, холис ёки ноҳодиши эканига ҳам боғлик. Ҳар қандай ҳолатда ҳам иккич-шунинг тақдирини боғлашдек масъулиятни юмушни кўни кўрган, ёши улуғ қишилар баҳаргани маъкул, шундай эмасми? Қолаверса, танловнинг ҳам мезбери бўлган тузук. Аввало, турмуш курдиган қиздири, йигитдир, унинг ИСНО-НИЙлигини қадрлаш-керак. Ва совчилар ҳам ёшларнинг ахлоқи ва яхши тарбиясигагина эътибор қараштиро лозим. Чунки яхши тарбия кўрган ўғил-қизларни ҳаётдаги қийинчиликлар асло чўчитмайди...

Барно СУЛТОНОВА



Фарзандларимиз ҳақида умримиз давомчилари, эртаниги кунимиз эгалири. Кимки, болалари келажаги учун (ва, албатта, бунинг ортида ўзининг кексалик, заифлик йиллари туришини ҳис қилган ҳолда) астайдил қайғурса, улар тарбиясига, яхши ўқиб, бирор мутахассислик эгаси бўлиши учун ҳаракат қилса, бу ўзининг ижобий самарасини бермай қўймайди. Буни ўз ҳаётим мисолида аниқ айтишим мумкин.

Болалигим Иккинчи жаҳон урушидан кейнинг оғир пайтларга тўғри келди. Отам колхоз раиси бўлса-да, ўйимизда тўйиб овқат емаган пайтларимиз кўп бўлган. Онам раисининг хотиниман, дея керилганини эслап олмайман. Аксинча, ҳамма қатори колхоздаги энг оғир юмушларни бажарар, озгина маошга қаоат қиласр эди. Ҳатто, бирор қўйналган одам ёрдам сўраб келса, ота-онамнинг ўйдаги охирги озиқ-овқатни ҳам бериб юборган пайтлари кўп бўлган.

Ахвол қанчалар қийин бўлмасин, улар фарзандлар тарбиясини биринчи ўринга қўйишган. Шунинг учун ҳаммамиз ўқидик, кўпчилигимиз ўқитувчилик касбини танлаб, кам бўлмадик. Ўзим Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида таҳсил олиб, узоқ йиллар қишлоғимиздаги мактабда математикадан дарс бердим. Тумуш ўртогим (Аллоҳ ўз раҳматига олсин, у киши заводда муҳандис бўлиб ишларди) билан маош ҳисобига кун кечириб, чиройли ўй курдик, беш нафар фарзандларимиз ўқимишли инсонлар қилиб тарбияладик. Улар ҳозир ишлаб чиқаришнинг турли жабҳаларида фаол меҳнат қилиб, эл корига ярашяти. Қатор набиралирим ҳам улар сафига кўшиланган, энг нуфузли идораларда фаолият юритишиади.

Ҳаётда нималар бўлмайди, дейиз. Пенсияга чиққанимдан кейин набира ва эвараларим тарбияси билан шугулланб, ҳали пойттахтда, ҳали қишлоқдаги ўйимда яшаб, югуриб-

ФАРОВОН КЕКСАЛИККА БУГУН ЗАМИН ЯРАТИНГ

**ЁКИ ОИЛАСИ, ФАРЗАНДЛАРИДАН УЗОҚДА,
ХОРИЖДА ИШЛАЁТГАН АЁЛЛАРГА**

елиб юрган одам, қон босимим юқори даражага кўтарилиши оқибатида инсултни бошимдан ўтказиб, бир кунда юра олмай қолдим. Бу воқеага бир йилдан ошиди. Шукр, фарзанд ва набирадарим бирор дақиқа ёлғиз кўйишмаяпти мени. Ҳар куни атрофимда парвона. Кунда бир неча мартараб таом тутишиди, ўрин чойшабларимни кунора алмаштиришиади. Хонамга катта экранли телевизор, компьютер кўйиб беришган. Китобларим бирталай. Телевизор орқали дунё янгиликларидан хабардор бўлсан, компютерда Куръони карим ҳамда Ҳадиси шарифлардан ўқийман. Астасекин ёдлаб ҳам бояриман.

Айтганча, фарзандларим мени энг тақрибали шифокорларга кўрсатишган. Ҳозир улар назоратида даволаняпман, ҳар оли ойда шифохонада ётаман. Керакли дори-дармонларни вақтида етказиб беришяпти, умрингдан барака топкурлар. Дўхтирларинг гапига қарагандада, муолажаларни вақтида олсан, ҳадемай юриб кетар эканман.

Баъзан ўйланиб ётиб, беихтиёр кўзларимга ёш келади: эй Аллоҳим, дейман шукроналик билан, кескайиб, ўшим 90га яқинлашганда шундай шароитда яшашни насиб қилганинга шукур. Агар фарзандларим бўлмаса ёки улар ноқобил бўлса, нима қилган бўлардим!

Мен бўларни бежизга келтирмаяпман. Демоқиманки, инсон сабр билан борига қаоат қиласа, ҳамма нарсага эришиши мумкин. Қишлоғимизда бизниси каби оиласлар кўп. Улар борига қаоат қилиб, аҳил-иноқ яшашяпти, момоларимиз анъаналарига амал қилган ҳолда, фарзандларига чиройли тарбия берип, турли олийгоҳларда ўқитувшияпти. Лекин...

Яқинда мен билан сұхбатлашгани чиққан қўшни аёл (минг шукур, кўшниларим ҳам тез-тез чиқиб, гаплашиб ўтиришиди) маҳалламиздиги ишлаш учун Туркия, Россия каби давлатларга кетган аёллар ҳақида куйиниб гапирди. "Улардан бири ҳатто оиласдагиларга ҳам билдирий кетиб қолган ёкан, - деди у мен яхши танийдиган аёл ҳақида гапира туриб. - Қизларининг



тўйидан кейиноқ жўнаб кетибди. Ҳозир турмуш ўртоги қизи ва ўғлига қараб ўтириби. Қизи мактабни битириш арафасида. Яқинда уни кўчада учратдим, аҳволига ҳам раҳмим, ҳам газабим келди. Шу даражада бўянганди, зўрга танимдим: қошлари татуаж дейишиадимией, бир нарса килиниб, лаблари шиширилган, тирноқлари турли рангларга бўялган, узун-узун. Афтидан онаси тирикчилик учун жўнатаётган пулни шунақнинг ишларга ишлатаёттан бўлса кепрак. У неварам билан бирга ўқиёди. Зухранинг гапларига қараганда, кўпинча дарсларини тайёрламай мактабга келар, талаб қилган ўқитувчи билан тенгма-тенг айтишар экан. Ўларида овқат ҳам пиширилмайди, шекишли, ўғлига кўшниларининг раҳми келиб, таом олиб чиқиб беришаркан. Шу кетишда болаларининг келажаги нима бўлади, нимага бу ҳақда ўйладими бу аёл?"

Кўшнимининг куюнчаклик билан айтган гаплари мени ҳам ўйлантириб қўйди, юрагим ачишиди. Ҳакиқатан ҳам бугун қишлоқларимизда аёлларнинг хориж давлатларига ишлашга кетишлари оддий ҳолга айланниб қолди. Уларнинг ҳаммаси ҳам тирикчилик илинжиде кетяпти, десак хато бўлади. Сабаби, у ерга боргандардан кўпчилигининг жўнатган турмуш ўртогими ёки меҳр кўрмай катта ўйдан бўлган фарзандларими?

Ўтирган эркаклар машина олишади, ўйларини бузиб, икки қаватли қилиб, қайтадан куришади, хуллас орзуларининг чеки-чегараси йўқ. У ерда аёли нима иш қилаётгани билан иши йўқ (бу алоҳида масала). Энг катта жабр эса болаларга бўялти.

Оилада онанинг ўрни катта. Унинг меҳри, муҳаббати билан вояга етган болалар қалбida эзгулик уруғи униб-үсади. У одобли болалар сафида бўлади, яхши ўқиёди, чиройли тарбия топади. Онаси хорижда юрган болалар-чи? Бундай баҳдан мосуво вояга етишади, ота-она назорати бўлмагач, ундайларни йўлдан урувчилар хам кўп бўлади.

Буни ҳаёт дейдилар. Ўша маҳобати иморат қуриб, янги машиналарда юриш орзуисида хориж мамлакатларида ёлғиз юрган аёлларнинг эртага касалланиб қолмасликларига ким кафолат бера олади?! Мабодо шундай бўлса, унга ким фамхўрлик қиласи? Пул, тўкин ҳаёт илинжиде жуфти ҳоллони бегона кўзлардан қизғанмай, турли қийинчилклардан аямай ўзга ўртага ёлғиз жўнатган турмуш ўртогими ёки меҳр кўрмай катта ўйдан бўлган фарзандларими?

Мен бошидан кўплаб яхши ва ёмон кунларни ўтказган нуроний она, фахрий муаллима, баҳти бекам, аҳил оиласининг бекаси сифатида, жоним ачиғанидан сиз, сингилларим, қизларим ва невараларимга мурожаат қўлмоқиман. Азизларим, аввало хориждаги ёлғизлик, тинимизсиз меҳнат, оиласи, яқинлари мөхридан, дийдоридан узоқда яшаш саломатлигингизга путур етказмасин, ўз соғлиғингиз ҳақида ҳозирдан ўйланг. Қолаверса, фарзандларингиз тарбияси билан шугулланиш сизнинг оналик бурчингиздир. Зоро, ўша фарзандлар сизнинг келажагингиз, кексайганингизда ёки беморлигингизда сизга суюнч бўлувчи инсонлардир. "Қаоат қорин тўйидир", деган мақол бор ҳалқимизда. Бу бежиз айтилмаган. Борингизга қаоат қилишга ўрганинг. Ўзингизга бекам кексалик яратишга ҳаракатни буғундан бошланг.

Унтуманг, умр - оқар дарё. Бир зумда ўтиб кетади. Ҳозир бой-байдавлат яшамасантиз ҳам, кексайганинг чоғингизда ҳурматда, ардоқда бўлинг!

**Дилором РАҲИМОВА,
Қўйичирчиқ тумани**

Таҳриридан: Фахрий муаллима Дилором опа Раҳимованинг куюншларига Сиз нима дейиз, азиз газетхон? Ўз фикр мулҳазаларингизни бизга ёзиб юборинг.

Мактубларингизни кутамиз.

10 СИЗГА ТАШАККУР

УЛАР ФИЛИАЛНИНГ ФАХРИ, УМИДИ

"Ўзбектелеком" АК Тошкент филиалида ўз касбига меҳр қўйган иқтидорли, билимли ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Корхона раҳбарияти уларни соҳада узоқ йиллар ишлаб, бой таҳриба тўплаган мутахассисларга биринчи орқали малака ва таҳрибалари, танлаган касбига меҳри ортишига эришмоқдалар. Филиал стандартлаштириш ва сифат менежменти тизими бўлими бошлиғи Абдумалик ЧОРШАНБИЕВ ҳамда Корпоратив мижозларга хизмат кўрсатиш гуруҳи бошлиги Достонбек АҲМАДЖОНОВлар ана шундайлар сирасидан.



Абдумалик 1991 йилнинг 7 май куни (Алоқа ходимларининг касб байрами, қанчалар гўзал тасодиф)да Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида таваллуд топди. Касби иқтисодчи бўлиб, "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" АК Қашқадарё филиалида иқтисодчи сифатида фаолият юритаётган Файзи ака ҳамда онаси Норчу-чук опалар бошқа фарзандла-

ри қатори Абдумаликка ҳам чироили тарбия бершига, мактабда яхши ўқиши учун шароит яратишга ҳаракат қилиши.

Яаша жойидаги 34-мактабни битирганидан сўнг Қарши иқтисодчи коллежда таҳсил олган Абдумалик, алоқа соҳасига қизиқсанлиги боис, 2012 йили Тошкент ахборот технологиялари университетининг мажбутиятида алоқа тизимлари факултетига ўқишга кирди. У бу ерда ўзини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб топди, устозлари кўмагида алоқачилик касбингир асрорларни ўрганди. 2017 йили университетни муваффақиятли тутагтган Абдумалик муҳандислик дипломи билан "Ўзбектелеком" Акнинг Тошкент филиалида иш бошлади.

— Ёш мутахассисларниң ўзи танлаган соҳага меҳр қўйши у ердагиларнинг унга бўлган муносабатига кўн жиҳатдан боғлиқ, — дейди Абдумалик Чоршибиев. — Менга иш бошлаган пайтимда малакали мұхандис Сора опа Бойжигитова иш ўргатган бўлса, филиалимиз

раҳбари Абдурашид ака Абдимўминов мени ҳар томонлама пишилди, десам хато бўлмайди. У киши ким туманлардан бирига иш билан борадиган бўлса, албатта, мени қўшиб жўнтарарди. "Идорада ўтириш билан яхши натижага эриша олмайсан, — дерди директоримиз. — Сен яхши мутахассис бўлмоқчи бўлсанг, аввало, кабелчи-ю пайвандчилар ишини ўрган, улар машақатига шерик бўл. Шунда ишимизнинг оғир-енгил томонларини хис қиласан".

Абдумалик шу тариқа алоқачилик касбини пухта ўргана бошлади ва ўтган йили аввалига унга бўлим бошликлиги вазифаси ишониб топширилди, сўнгра филиал ёшларига етакчи этиб сайланди. Бугунга кунда у ўш мутахассислар етакчи сифатида ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этишда маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишига қизиқишина ошириш бўйича бешта мухим ташаббусни амалга ошириш доирасида ва бошқа ўйналишларда фоаллик билан ҳаракат қилиб, самарали натижаларни кўлга кирияти.

Яқинда бир гуруҳ фаол ёшлар қатори у ҳам Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантиришни вазирлигининг ташаккурномасига лойиқ топилди. Мазкур этиб Абдумаликни янги марралар сари чорламоқда.

Достонбек, Тошкент виляятининг Бўка туманида таваллуд топди. Талабчан ота-она - ДАИ ходими Шавкатжон ва муалими Моҳирахонларнинг ахил оиласида вояга етди. Аввал ўрта умумтаълим мактаби, кейин Бўка агросоат касб-хунар коллежини битиргач, армия хизматига отланиб, Самарқанд шаҳридаги ҳарбий қисмлардан бирорда ўз йигитлик бурчани ўтади. Сўнгра олийгоҳда таълим олди. Ўтган йили Тошкент филиали оммавий савдо гуруҳи мутахассиси сифатида фоалият бошлаган Достонбек устозлари Содик Ҳожимуратов, Зулайҳо Назаровлар ёрдамида касбининг сир-асрорларини, мижозлар билан мумоалада эътибор қаратиш лозим бўлган мухим жиҳатлар, шунингдек, филиал томонидан мижозларга тақдим этилаётган хизматлар: интернет, IPTV, телефония, VPN рекламаси ва бошқаларнинг афааллик томонларини тушунтира билиш йўлларини пухта ўрганди ва амалиётга жорий эта борди. Шу тариқа унинг малакаси ошиб, ишда юқори натижаларни кўлга кирила бошлади. Айни пайтада Достонбек Аҳмаджонов филиал корпоратив мижозларга хизмат кўрсатиш гуруҳи бошлиги сифатида корхона даромадларининг ортиб боришига ўз хиссасини кўшаётир.

Достонбек ўтган йили "Ўзбектелеком" акциядорлик

компанияси филиаллари ёш ходимлари ўртасида ўтказилган "Компания хизматларини сотиша энг юқори натижага эришган ёш ходимлар" кўриктанловида иштирок орасида фарҳли 1-уринни кўлга киритишга муваффақ бўлди ва компания дипломи ва қимматбаҳо совғасига сазовор бўлди.

Ушбу муваффақият Достонбекнинг кучига куч, гайратига гайрат кўшгани рост. У янада янги марраларни эгаллаш, ютуклари сонини ошириш учун ўқиб-изланмоқда, ўрганиша давом этмоқда.

— Ёшлар бизнинг келажигимиз, эртаниги кунимиз эгалари, — дейди филиал директори Абдурашид Абдимўминов. — Биз филиалимиздаги бошқа ёш мутахассислар ҳам Абдумалик ва Достонбек каби ишда юқори натижаларни кўлга киритишлари учун бор куч ва имкониятларимизни исха солган ҳолда ҳаракат қиласерамиз. Негаки, бундай ёшлар филиалимизнинг фахри, умидидир.

**Муборак МИРКАМОЛОВА,
"Xabar" мухбири**

МУЛОҚОТ

БУЮК СИЙМОЛАР АДАБИЙ МЕРОСИ

Тошкент шаҳар "Bilim" ахборот-кутубхона марказида ҳар йили феврал ойида Алишер Навоий ва Заҳирiddin Muҳammad Bobur таваллудига багишинган маънавий-маърифий тадбирлар алоҳидат тайёргарлик билан ўтказилади.

Бу йил ҳам шундай бўлди. Марказда Алишер Навоий таваллудининг 579 йиллигига багишил "Алишер Навоий - ўзбек адабиётининг асосчиси ва буюк шоир" ҳамда Заҳирiddin Muҳammad Bobur таваллудининг 537 йиллигига багишинган "Ўзбек мумтоз адабиётининг буюк вакили" деб номланган расмий китоб кўргазмалари ташкил этилди. Ушбу иккни буюк сиймада адабий меросини ёш китобхонлар орасида кенг тарғиб қилиш мақсадидаги кўргазмаларда китобхонлар АҚМ ахборот-библиография бўлими мутахассислари томонидан аждодларимизнинг ҳаётни ижодидан қизиқарали маълумотлар келтирил-


ди, кутубхона фондидаги Навоий ҳамда Бобур ҳаёти, ижодий фолияти ёртилган китоблар билан таниширилди ва уларга библиографик шарҳлар берил борилди.

Кўргазма давомида Навоийнинг машҳур "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", Бобурнинг "Бобурнома" асарларидан парчалар, рубоийлар ўқилди. Кутубхонамизнинг масофавий фойдаланувчилари учун эса тарғиботнинг инновация шаки сифатида "Фарҳод ва Ширин" достони учун буктрейлер тайёланди. Бу буектрейлерни кўриш истагида бўлганлар ахборот-кутубхона марказининг bilim.natlib.uz веб-сайтида, шунингдек, телеграмдаги "BILIM" АҚМ каналида томоша қилишлари мумкин.

Ўзбек мумтоз адабиётини тарғиб қилиш ойлиги доирасида китобхонларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш бўлими мутахассислари ҳам катор тадбирларни режалаштиришган. Хусусан, Тошкент шаҳридаги таълим мусасасалари билан ҳамкорлиқда "Навоий шеърияти — бизнинг меросимиз", "Бо-

бур ижоди авлодларга мерос", "Навоий китобхонлиги" ва "Биз рубойй ва ғазалларни ўқиимиз" деб номланган тадбирлар, "Навоий ва Бобур шеъриятининг энг яхши билимдом" викториналари ўтказилиши кўзда тутилган. АҚМ фаол китобхонлар клуби атъолати буюк шеърият устозлари ижодидаги бағишланган навбатдаги йиғилишини ўтказадилар.

Бугунги кунда бутун дунё буюк аждодларимизнинг ижодини мутлақ янги кираларини очиб бормоқда. Шоир ва мутафаккирларнинг алоҳидат асрарлари инглиз, немис, француз, румин, полак, чех ва бошқа тилларга таржима қилинмоқда. Алишер Навоий ҳамда Бобурнинг ўлмас ижоди турк тилли тайёрларни пойдевори ва юксак лириканинг ажойиб намуналари яратилишига асос бўлди. Ҳозирги замонавий ахборот технологиялари даврида ўзбек тилининг кенг имкониятларини, унинг бойлиги, мослашувчанлиги ва нафосатини кўрсатиб берисида Навоий ва Бобурнинг буюк сўзлари янга бир бор янграб туради.



ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ЁНДАШУВ

Кичик ёшдаги ўқувчиларга
билим беришда уларни
ижодий фаолиятта
йўналтиришнинг аҳамияти

Хукуматимиз томонидан таълим тизимиға, айниқса, мактабгача ва бошлангич таълима катта эътибор берилимоқда. Ҳақиқатан ҳам, бошлангич таълимнинг мустаҳкамлиги кейинги босқичда асосий фундамент рол ўйнайди.

Кичик ёшдаги ўқувчиларга билим беришда, аввало, уларни ижодий фаолиятга йўналтириш ва ижодий фаолиятда ўқувчилар индивидуаллигини ўрганиш ўқитиш дифференциацияси учун муҳим аҳамияти касб этади.

Шахсга йўналтирилган дифференциалланган ёндашув педагогик таъсирларни назарда туради. Ушбу таъсирлар ижодий жараённинг мазмун-моҳияти ҳамда ижодий фаолият мувафакиятни белгиловчи, ўқувчилар гурӯхини аниқлаш ўқувчиларда шахсий фазилатларнинг ривожланганингидан келиб чиқкан ҳолда ҳар bir ўқувчининг ижодий самара дифференциацияси юқори даражага кўтариш учун шароитлар яратилишга қартилган.

Когнитив вазифалар ижодий йўналишдаги ўқув фаолиятини ташкиллаштириш воситаси хисобланади. Мазкур вазифаларнинг моҳияти шундан иборат, ошкора ва яширин талаблар кўйилган вазифалар шароитида батзи маълумотлар асосида ўқувчи визуфани бажариш мобайнида бир ёки бир неча ижодий воқеаликнинг процедураларини амала ошириш, аввал ўзлаштирилган билимлар ва кўнникларни мустақил равишда янги визиятларга (яқин ёки узоқ) кўчириш, маълум визиятда муммони кўриш, объектнинг янги функциясини кўриш, обьект тизимасини кўриш ва бошқалардир.

Экспериментал ўқитиш жараёнида асосий эътибор ўқувчиларнинг муммони вазифалар бажариши, уларда таҳлил қилиш кўнникмасини шакллантириш, муҳим ва мухим бўлмаганларни ажратишига қаратилган. Ушбу максадда турли вазифалар таддиф қилинган. Жумладан, турли даражадаги таҳлил ва синтезни кўллаш, семантика ва грамматик белгилар бўйича гурӯхларга ажратиш (тахлилий ҳаракатлар), бирлаштириш, тўлдириш, тузиш бўйича вазифалар (синтез амалари) берилган.

Шахсга йўналтирилган дифференциалланган ёндашув шароитида когнитив вазифалардан



фойдаланиш қўйидагилар билан беғлиланади.

1. Вазифалар бажариш жараёнига ижодий мотивацияни яратиш. Максад – ушбу когнитив вазифа нафақат ўқувчиларнинг фикрлаши, балки масаланинг кўйилишида қизиқарлилик, ҳайрон қолиши ва бошқа психологияк эффектлардан фойдаланиш, яъни ўқувчларни қизиктириш керак;

2. Ўқувчилар шахсий хусусиятларни ўрганиш ва уларни типологик гурӯхларга ажратиш;

3. Шахсга йўналтирилган вазифаларни белгилашда ўргаништеган материал мазмунини ўзига хослиги ва ўқувчилар ёшини хисобга олиш.

Алоҳида ҳар bir ўқувчиларнинг ҳамда бутун синф шахсий-психологик имкониятларини хисобга олмасдан муммонли визиятни яратиш ва муммони шакллантириш кийин. Ўзлаштириша кўйналган ўқувчилар учун вазифалар кўйидаги хусусиятлар билан ажратишиб туриши керак:

а) тегизли пайтода бажа-
риши эҳтимоли юкорилиги;

б) вариантивлик – асосий муммонли саволларнинг ундовчи режа кичик саволлари билан мостили;

в) амалий топшириклар ба-
жарилишида батрафсил ўйрико-
малар бериси.

4. Дифференциалланган когнитив вазифалар тизимини яратиш.

5. Билимларни назорат қилиш, қайд қилиш тизимини тақомиллаштириш.

Ўқувчилар турли даражада билимларни ўзлаштиришга ва ўрганиш қобилиятiga эта бўлишади. Ўрганиш қобилият – бу ўқувчиларнинг киска муддат мобайнида билимларни юқори дараҷада эгаллаш қобилиятни бўлиб, унинг асосий кўрсаткичи продуктив фикрлаш ривожланганлик дараҷаси хисобланади. Ўқитида шахсий-дифференциалланган ёндашувни амалга ошириш.

оширишда ўрганиш қобилиятни ўқувчиларни гурӯхларга ажратишда мухим мезон хисобланади. Мактаб ўқувчиларнинг ўрганиш қобилиятни юқори, ўрта ва паст даражалари ажратилади. Ўрганиш қобилиятни юқори бўлган ўқувчиларга билимларнинг асосий мазмунини тезда топиш, мустақил раввиша хулосалар ва умумлаштиришларни амалга ошириш, олинган билимларни янги визиятларда осон кўллаш, энг қисқа вақт ичida билимларни пухта эгаллашга кодир ўқувчилар киради. Ўрганиш қобилиятни ўрта даражага эга ўқувчилар асосий мазмунини бирор вақт ўтиб ажратишида, эгаллаган билимларни янги визиятларга ўтказиши мумкин, 1-гурух ўқувчиларига нисбатан худди шу материалини ўрганишга кўпроқ вақт сарфлашади. Ўрганиш қобилиятни паст даражага бўлган ўқувчилар материалини узоқ машқлардан сўнг ўзлаштиришида, асосий фикрларни ажратишида кўйналишида, синф билан фронтал ишлар жараёнидан кейин ҳам вазифаларни ўшашлини бўйича асосан бажаришида ва х.к.

Экспериментал тадқиқот на-
тижасида аниқландик, тақлиф
қилинаётган шахсга йўналти-
рилган топшириклар тизими
ўқувчиларнинг шахсий хусусиятларини хисобга олган ҳолда ижодий фаолияти таҳжриси-
ни шакллантиришина таъмин-
лайди ҳамда ҳар bir ўқувчилар-
нинг ўрганиш қобилиятини
юқори даражага кўтаришга
имкон беради.

Бошлангич таълимда кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларига ижодий фаолият жараёнида шахсга йўналтирилган когнитив ёндашувни кенг кўллаш болада бўлган иктидорни тез юзага чи-
кишида асос бўлади, деб хисоб-
лаймиз.

**ҲОЛТАБОЕВА,
Наманган вилояти, Косонсой
туманидаги 28-мактабнинг
олий тоифали ўқитувчиси**



ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИ ҲАМЖИҲАТЛИКДА ТАРБИЯЛАЙМИЗ

Бугунги кунда ёшларга таълим-тарбия бе-
риш билан бирга, уларни касбга йўналтириш,
глобаллашувнинг ёт гояларидан ҳимоя
қилиш, билиб-билимай жиноят кўчасига кириб
қолишиларнинг олдини олиш биз, ўқитувчи-
лар зиммасига юклangan муҳим масалалар-
дир. Бир болага етти маҳалла ота-она деган-
ларидек, бу борада ота-оналар, маҳалла ва
турли давлат органлари билан доимий ҳам-
корликни йўлга кўйганимиз. Андикон вилоят
ички ишлар бошқармаси билан “Биз жиноят-
чиликка қаршимиз” мавзуида ўтказилган тад-
бир ҳам ана шу ҳамкорликлар натижасидир.

Tаддирга Андикон вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиги маслаҳатчиси подполковник Орифжон Юлдашев, бошқарманинг ёшлар итифоқи бош-
лангич ташкилоти етакчиси катта лейтенант Ихтиёр Абдуллаев, Пахтаобод тумани ИИБ хузуридаги тергов бўлими терговчи катта лейтенант Мустафо Мамасолиев, собиқ ўқувчиларимиз – вилоят ИИБ кадрлар бошқармаси бош инспектори капитан Элёрбек Мадумаров ва ўзбекистон Республикаси Куролли Кўчлари Академияси курсанти Акрамжон Абдурайимов ҳамда Пахтаобод тумани халқ таълими бўлими мутасаддилари тақлиф этилди.

Мактаб директори С.Мамажонов таддирни очар экан, Президентимиз илгари сурған бешта мухим ташаббус ҳамда ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича мактабда олиб борилаётган ишлар, шунингдек, педагогик жамоа ва ўқувчилар ёришган ютуклар ҳақида сўз юртиди. Ва ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашда бу ҳама ҳамкорликларнинг аҳамияти катта эканлигини таъкидлади.

Мактаб директори С.Мамажонов таддирни очар экан, Президентимиз илгари сурған бешта мухим ташаббус ҳамда ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича мактабда олиб борилаётган ишлар, шунингдек, педагогик жамоа ва ўқувчилар ёришган ютуклар ҳақида сўз юртиди. Ва ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашда бу ҳама ҳамкорликларнинг аҳамияти катта эканлигини таъкидлади.

Самимий мулоқот тарзида ўтган таддирда подпол-

ковник О.Юлдашев ҳукуматимиз томонидан ёшларга

кўрсатиладиган алоҳида эътибор ва яратиб бериладиган шарт-шароитларни таъкидлаб, бунга жавобан улар юр-

тизимиз тараққиёти учун ҳисса кўшмоги, бор дикқат-эъти-

борини билим олишга қартиши зомизимигини ўргулади.

Э.Мадумаров А.Абдурайимовлар эса ёришган барча юту-

клирга мактабда олган билимларни пойдорев бўлганини

айтиб, таълим-тарбия берган устозларга миннэтдорлик

биддириши. Шундан сўнг меҳмонлар ўқувчилар билан

дилдан сұхбатлашиб, уларни қизиқтирган саволларга жа-

волар берилди.

Таддирда капитан Элёрбек Мадумаров вилоят ИИБ

Фархий ёрлиги билан тақдирланган ўқувчилар қалып-

да билим олишга бўлган иштиёқни янада ошириб юбор-

ган бўлса, алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар-

лини отряди ходимларининг ҳарбий куроллари билан

важидан танишувдан юқори синф ўқувчиларни қалыбда

ватаннан парварлиқ, она Ватанни ҳимоя қилишдек мукад-

дас туйғулар жўш урди.

Таддир сафарбарлик отряди ходимларининг кўргаз-

мали чиқишилари ҳамда ўқувчиларнинг юртни тараннум

этувчи кўй-кўшиқларига уланниб кетди.

Насиба АБДАЗОВА,
Андикон вилояти,

Пахтаобод туманидаги

34-мактабнинг ўқув-тарбия ишлари
бўйича директор ўринбосари

12

АЛОҚА ОЛАМИДА.



КОМПАНИЯЛАР

APPLE 27 МИЛЛИОН ДОЛЛАР ЖАРИМА ТҮЛАЙДИ

Франциянинг Рақобат, истеъмол масалалири ва фирибгарликка қарши кураш бошқармаси маълум килишича, Apple компанияси 27,4 млн. доллар (25 миллион евро) жарима түлайдиган бўлди. Бу iOS қурилмаларининг янгилаши билан боғлиқ.

Гап шундаки, iOS янгилини сабабли эски қурилмалар фаолияти чеклаб қўйилган. Компания, шунингдек, бир ой муддат ичидаги жараён учун ўз веб-сайтida изоҳ бериси шарт эди.

Бир неча йил олдин Apple iOS (10.2.1 ва 11.2) учун янгилини чиқарганди, унга кўра, агар батарея вақт ўтиши билан кувватини йўқотадиган бўлса, Applening дастурий таъминоти батарея тез энергия сарф қўймаслиги учун қурилма ишини сунъий равишда камайтиради. Аммо кейинчалик бу хусусият қурилмада узилишларга сабаб бўлиши ва унинг тўсатдан ўчиб қолишига олиб келиши ҳам мумкинлиги ойдинлашди.

Техник нуқтани назардан, ушбу функция оқиқонағоя бўлсада, Apple бъози қурилмаларда ишлаш тезлиги чекланиши тўғрисида фойдаланувчиларга хабар бермаслика қарор қўлганди. Компания кейинчалик келтирилган нокулайлик учун кечирим сураган ва Battery Health деб номланган янги функцияни тақдим этганди.

Мизозлар эса батареяни алмаштири муммонни ҳам қилишини билишмаган. Бъози фойдаланувчилар бўлса, смартфонлари жуда яхши ишлаётганига қарамасдан, янги iPhone сотиб олишган ва пулларига кўйиб қолишган.

Шунингдек, iPhone фойдаланувчилари дастурий таъминотни олдинги версиясига қайтариб бўлмаслигини таъкидлашмоқда.

Apple ўз расмий веб-сайтida эълон қилган баёнотда қонунга зид ҳаракатини тан олиб, 25 миллион евро жарима түлаш билан муммони тўрилашга рози бўлган.



ИНТЕРНЕТ

ХИТОЙ БУТУН БОШЛИ МАМЛАКАТЛАРНИ ИНТЕРНЕТДАН УЗИБ ҚЎЙИШИ МУМКИН

АҚШ бош прокурори Уилям Барнинг баёнотига кўра, Хитойда бошқа мамлакатларни интернетдан узиб қўйиш имкони бор. Бу Хитойнинг 5G технологиялари борасидаги етакчилигига бевосита боғлиқ иш, дейилмоқда.

“Агарда интернет саноати Хитой технологияларига боғлиқ бўлса, у бутун бошқа мамлакатларни истеъмолчилик ва индустря учун зарур бўлган қурилмалардан узиб қўя олади”, — дейа таъкидлари бар.

Бош прокурорнинг фикрича, АҚШ ўзига иттифоқдо мамлакатлардаги технологик компаниялар билан ҳамкорлик ҳақида ўйлаб кўриши лозим. Бу эса 5G технологиялари борасида Хитойнинг гегемонлиги хавфидан халос этиши мумкин. Huawei билан рақобатлаша оладиган компаниялар сифатида у Nokia ҳамда Ericsson компанияларини тилга олган.

Уйлям Барр бешинчи авлод уяли алоқа технологиялари соҳасида ўз мамлакати Хитойдан анча орқада эканини тан олди. Шу билан бирга, у Хитой шунчаки АҚШ ва бошқа мамлакатлар технологияларини ўғирлаштири, дейа қистириб ҳам ўтди.



СОАТСОЗЛИК

APPLE 2019 ЙИЛДА ШВЕЙЦАРИЯНИНГ БАРЧА СОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОМПАНИЯЛАРИДАН ЎТИБ КЕТДИ

АҚШнинг Apple корпорацияси 2019 йилда сотилган соатлар сони бўйича Швейцария соат ишлаб чиқарувчи компанияларининг барчасини ортда қолдириди. Бу ҳақда Strategy Analytics тадқиқот компанияси хабар берди.

Таҳлилчиларга кўра, Apple 2019 йилда бозорга 30,7 миллион дона Apple Watch соатини чиқарган, 2018 йилда бу рақам 22,5 миллиондан ташкил этган бўлиб, савдонинг ўсиши бир йилда 36 фойзи ташкил қилган. Швейцариянинг соат ишлаб чиқарувчи компаниялари эса ўтган йилда 21,1 миллионта соат сотишига муваффақ бўлган. Бу 2018 йилга нисбатан 13 фоиз камроқи ташкил қиласди.

Қайд этилишича, Швейцариянинг анъана-вий Swatch ва Tissot компаниялари аккли соатлар бўйича рақобатда ютказмоқда. Apple ўз маҳсулотини чакана каналлар орқали самарали йўллар билан тақдим этмоқда ва тобора рақамли мосламаларни тақишини истайдиган ёш истеъмолчиларни кўпроқ жалб қиласди.



КОРОНАВИРУС

ЭНГ ХАРИДОРГИР ҚУРИЛМАЛАР КОРОНАВИРУСДАН ЖАБР ҚЎРЯПТИ

Хитойда бошланиб, бошқа мамлакатларга ҳам тарқалаётган коронавирусдан технологик компаниялар ҳам зиён кўришишмокда. Даствлаб Xiaomi ўз дўқонларини ёпид, Mi 10 смартфонларининг тўлашони тақдимотини бекор қиласди, кейин Apple va Googlening ҳам дўқон ваофислари ёпиди...

Nikkel наширининг ёзишича, Apple корпорацияси ўтила талабигир маҳсулотлари – AirPods ҳамда AirPods Pro кулоқчинларини ишлаб чиқарши кўламини кенгайтироқчи эди, бирор айни шу паллада иш орқага кетяпти – AirPodslar учун бутловчи қисмларни етказиб берувчи Luxshare-ICT, Goertek va Inventec компаниялари Хитойда карантин бошланганидан бўйн ёпик.



Ишлаб чиқарувчиларнинг кўлида ҳозирда AirPodslarни тेшир учун нари борса икки ҳафтага етгулик бутловчи қисмлар бор, холос. Янги бутловчи қисмларни етказиб берувчи Хитойдаги заводларнинг ҳали-вери очилишини кутиш қийин.

ФОТОҚУРИЛМАЛАР

SAMSUNG ТАСВИРНИ 100 МАРОТАБА ЯҚИНЛАШТИРИБ ОЛИШ ИМКONIYATIGA ЭГА ЯНГИ СМАРТФОНИНИ ТАҚДИМ ЭТДИ

Samsung компанияси 11 феврал куни Сан-Францискода ўтказилган тақдимот марасимида ўзининг янги телефонларини на мойниш этди. Янги қурилмалар қаторидан Galaxy S20, S20+ ва S20 Ultra, шунингдек, эгилувчан Samsung Galaxy Z Flip смартфонлари ўрин олган.



Samsung Galaxy S20, S20+ ва S20 Ultra телефонларига HDR10+ технологиясини кўллаб-куватловчи 6,2, 6,7 ҳамда 6,9 дюйми AMOLED дисплейлари ўрнатилган.

S20 флагманига иккита кенг ўлчамли 12 мегапиксели камералар, шунингдек, 64 мегапиксели телеобъектив ўрнатилган. S20+ қурилмасида эса ўти ўлчамли объектилар тасвирга олиш учун кўшичимча камера мавжуд. S20 Ultraiga 12 ва 108 мегапиксели кенг ўлчамли иккита камера, шунингдек, 48 мегапикселили телеобъектив ўрнатилган. Қурилма 8К форматидаги видеоларни ҳам “кўтара олади”.

Ушбу моделларда Space Zoom функцияси мавжуд бўлиб, у гибрид оптик зум ва сунъий интеллект ёрдамида ишловчи рақамли яқинлаштиригич бирлашмасидир. S20 ва S20+ қурилмалари тасвирни 30 маротабагача, S20 Ultra эса 100 мартагача яқинлаштира олади.

S20 телефони камералар тизими коронғи хоналарда ҳам сифатли тасвир олиши имконини беради. Мазкур қурилма учун телефон олинган бир нечта тасвирларни биттага умумлаштириди.

Ҳар ур қурилмага ҳам Guardian Chip процессорлари ўрнатилган бўлиб, ичи хотиралари 128–512 гигабайт оралигида. Тезкор хотириаси 8 дан 12 гигабайттча, аккумулятор сифори эса 5000 мА/соаттагача ташкил этади.

Кизил, кулранг ва ҳаворанг тусли Galaxy S20 қурилмаси 1100 доллардан, S20+ флагмани 1264 доллардан, S20 Ultra эса қарийб 1600 доллардан сутугва чиқиши кутилмоқда.

ЯНГИ ҚУРИЛМАЛАР

XIAOMI 14 ДОЛЛАРЛИК ЖОСУСЛИК ҚУРИЛМАСИ ИШЛАБ ЧИКДИ

Smoovie va Xiaomi компаниялари ҳамкорликда Smoovie Multifunctional Infrared Detector деб номланган қурилмаси тақдим этишиди. Янги, арzon (14 доллар) қурилма тез-тез меҳмонхона ёки ижара хонадонлар хизматидан фойдаланувчиларга мўлжаллангиди.

Бу қурилмаси асосий вазифаси — яширин кузатув камерасини топиш.

Бунинг учун қурилмага ўрнатилган маҳсус тиркиш орқали хоналарга кўз югутирилса бас, камера объективидан тараалаётган инфракрасиз нурни аниқлаб беради.

Детекторга, шунингдек, сигнализация ҳам ўрнатилган, масалан, у эшик тутқичига ёки бирон нарсага илиб қўйилса, қимирлатилганида ўзидан баланд овозд овоч қизарди.

Smoovie Multifunctional Infrared Detectorга ўрнатилган 230 мАс сифори батарея камерани аниқлаш тартибида 24 соат, сигнализация тартибида 72 соаттагача ишлаб беради.

Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади.

ҚАЙТАР ДУНЁ

“Боқий” президент қасрдан қамоққа равона бўлди

Айни пайтда Суданни идора этиб турган мувакқат кенгаш мамлакат собиқ президенти Умар ал-Башири Гаагада жойлашган Халқаро жиноий судга топшириш қарорига келган. Бу ўринда гап бир неча юз минг инсоннинг ўлимига алоқодорлик хусусида кетмоқда.

Умар ал-Башир Судан раҳбарлиги 1989 йилда ҳарбий тўнтиши орқали келган эди. Шу тариқа у мамлакатни ўтиз үйл давомида бошқарди. Қайтар дунё деганларидек, Ал-Башириңнинг ўзи ҳам айнан ҳарбий тўнтиши ортидан курсини топширишга мақбур бўлди.

Суданда тўрт ой давом этган оммавий норозилик намояшлари ортидан, 2019 йил апрел ойида “боқий” президент ўз лавозимидан кетди. Собиқ давлат раҳбарига қарши коррупция, ноёнуний раввишда сова-салом олиш ҳамда хориж валютасини сақлаш бўйича жиноий иш очилди. Гап шундаки, давлат тўнтишидан кейин ўтказил-

ган тинтувуда президентнинг қасридан 6 миллион евро, 351 минг доллар ва 5 миллиард судан фунти (105 миллион доллар) топилган эди. 2019 йил декабрда маҳкамама мазкур маблагларни мусодада қилиш шарти билан собиқ президентни икки йил қамоқ жасосига хуққи қилди. Судан қонунчилигига кўра, 70 ёшдан ошган фуқаролар қамоққа ташланмайди. Шунга кўра, 76 ёшли Умар ал-Башир жазони ахлоқ тузатиш муассасасида ўтайдиган бўлди. Аммо...

Гаагада жойлашган Халқаро жиноий суд Умар ал-Баширин кўпдан бўён қатлиом ва инсониятга қарши жиноятларда айблаб келади. Суданда кечган фуқаролик уруши даврида (2003-2006) ҳукумат кучлари ва исенчилар ўртасида курашларда, БМТ хисоб-китобига кўра, 200 мингдан 400 минг нафарга қадар инсон ҳалок бўлган, 2,7 миллион киши бошпанасидан айрилган.

Халқаро жиноий суд 2009 йилда



Суданнинг амалдаги раҳбарини қамоққа олиш тўғрисида қарор чиқарган. Қайд этиш жоизки, бунга қадар халқаро маҳкамама бошқа бирор амалдаги давлат раҳбарини ҳисбга олиш бораисида ҳужжат қабул қилмаган.

Халқаро суд Умар ал-Башир 2019 йилда қамоққа олиниши билан уни экстрадиция қилишини талаб қилган,

аммо Суданни идора этиб турган мувакқат кенгаш бунга кўнмаётган эди. Бир неча ойлик музокаралардан кейин Судан маъмурияти собиқ президентни Халқаро жиноий судга топширишга рози бўлди.

Умар ал-Башир эса ўзига нисбатан илгари сурилган барча айловларни рад этиб келади.

Украинада қарз агентлиги тузилди



Украина Вазирлар Маҳкамаси томонидан давлат қарзлари назорати ва бошқаруви билан шуғулланувчи Қарз агентлиги тузилди. Аввалроқ ўтган йили давлатнинг умумий ва давлат томонидан кафо-

латланувчи қарзлари доллар миёсидаги ҳисобга кўра, 7,71 фоиз ўсиб, 84 миллиард 4 миллион долларга етган мәйлум қилинганди. “Ҳукумат қарзларни қайтириш бўйича муаммо бўлмаслиги учун қарз агентлигини тузди”, – деб изоҳ қолдириди мамлакат бош вазири Алексей Гончарук телеграм каналида.

АҚШга қарши ташқи ўйинчилар ким?

АҚШнинг 2020-2022 йилларга мўлжалланган янги стратегияси ўлон килинди. Унда Россия ва Хитой таҳдидлар рўйхатида биринчи ўринга кўйилган. Ҳужжат Контразведка ва хавфсизлик миллий маркази томонидан тузилган: “АҚШни нишонга олган ўйинчилар сони кўпаймоқда. Россия ва Хитой бутун дунёда АҚШга қарши воситалардан фойдаланмоқда, улар замонавий разведкага эга. Кўшима Штатларни душманлар қаторига кўшувчи ўйинчилар сони эса кўпаймоқда”, – дейилади ҳужжатда.

Куба, Эрон, Шимолия Корея, “Хизбуллоҳ” ҳаракати, ИШИД ва “Ал-Қоїда” террорчилик ташкилотлари, шунингдек, трансмиллий жиноий ташкилотлар ҳам таҳдидлар сирасига киритилди. “Шубу ўйинчилар тобора муракқаб воситалардан фойдаланмоқда. Биометрик курилмалар, автоном тизимлар, юқори аниклидаги расмлар, илғор шифрлаш ва кузатув механизмлари, шунингдек, мәйлумотларни таҳлил қилишга жиддий эътибор қаратишмоқда. Технологиялар рақибларга мақсадга эришиш ва рақобатчиларига босим ўтказиша янги имкониятларни очди”, – дейилади ҳужжатда.

Австралиялик йигит “уйқудаги малика” касалига чалинди

Австралиялик 21 ёшли Харри Данн ноёб касалдан азият чекмоқда. У “уйқудаги малика”, деб номландиган Клейн-Левин синдроми билан оғриган. Жуда кам учрайдиган ушбу асаб касаллиги туфайли киши узоқ муддатли ўйкуга кетади. Баъзан бемор бир неча кундан бер неча ойгача ухлаши мумкин. Кўпинча бу касаллика ўсмирлар ўйлиқади, аммо болалар ва катта ёшлиларда ҳам учраб туради. Бемор ўйку вақтида сув ичиши, овқатланиши ва бошқа ишларни бажариши мумкин, аммо атрофдаги воқеаларни хис килмайди. Ўйғонганидан сўнг эса нималар рўй берганини эслай олмайди.

Асаб касаллигидан азият чекаётган Харри Данн 41 кун мобайнида узлуксиз ухлади. Унда аввал ҳам шундай ҳолат кузатилган, масалан, 16 ва 17 ёшга тўлганда туғилган кунини ухлаб ўтказган.

НАТО Ироқдаги миссиясини кучайтиришга қарор қилди

Бу ҳақда алиянс бош котиби Йенс Столтенберг маълум қилди. “НАТО халқаро терроризм билан курашни фаоллаштироқда. Алиянса азъо давлатлар мудофаса вазирлари маҳаллий ҳукумат билан яқин ҳамкорлика НАТОнинг ўкув миссиясини кучайтиришга келишиб олди”, – деб таъкидлаган Столтенберг.

НАТО Ироқдан контингентининг бир қисми январ ойи бошида олиб чиққан эди. Бу АҚШ авиазарбаси оқибатида Багдода эронлик генерал Қосим Сулаймоний ҳалок бўлганидан сўнг амалга оширилган.

Аввалроқ НАТО бош котиби айни пайтда нима қилиш мумкинлиги ўрганиб чиқидаётгани ва жанговар миссияларни кучайтириш режалаштирилмагани ҳақда гапиранди. Шунингдек НАТО хавфсизлик мақсадларида Ироқдан ўз ходимларининг бир қисми ҷиқарилиши хақида маълум қилган.

Эроннинг энг нуфузли генерали Қосим Сулаймоний З январь куни Трампнинг бўйруғига кўра ўлдирилган. АҚШ президенти Сулаймонийни террорчи деб атаган, Эрон генералнинг ўлими учун ўч олишга ваъда берган. 8 январга ўтар кечаси Эрон АҚШнинг Ироқдаги ҳарбий базаларига ракета зарбалари берган. Шунингдек, Эрон ядро келишивидан тўлиқ чиққанини маълум қилган ҳамда АҚШ армияси ва Пентагонни террорчилик ташкилотлари деб ўзлон қилган.



Хорижлик инвесторга фуқаролик берилади

Черногорияга инвестиция киритгани учун мамлакат фуқаролигини олган илк хорижлик Бирлашган Араб Амирликлари инвестори бўлди.

Мамлакат фуқаролигини олиш учун инвестория киритиш ва давлат фондини инвестициялаш лозим. Инвесторга иккى имкон берилади: биринчиси – ҳукумат тасдиқлаган лойиҳага кўра ҳудудлар ривожига 450 минг евро инвестиция киритиш, иккинчиси – кам ривожланган ҳудудлар ривожи учун камида 250 минг европлар инвестиция киритишдан иборат. Инвестор ўз активларини беш йилдан сўнгина сотиши мумкин, бунда у фуқароликини саклаб қолади.

Махмуд Аббос: Фаластин пишлөқка ўхшаб қолди

Фаластин раҳбари Махмуд Аббос БМТ хавфсизлик кенгашидаги нутқида АҚШ президенти Дональд Трамп таклиф этган Яқин Шарқ тинчлик режаси қабул қилинмаслигини билдириди. Унинг таъкидлашича, Трампнинг режаси фаластинликларнинг қонуний ҳуқуқларини поймол қиласи “Пойтаҳти Шарқий Кудус бўлмаган ва худуди бўлинган Фаластинни қабул қилмаймиз”, – деди.

Шунингдек, Аббос Трампнинг режаси минтақа тинчлик олиб келмаслигини таъкидлаб, АҚШ таклиф қилаётганди Фаластинни харитада кўрсатди ва уни Швейцария пишлогоғи ўхшатди.

Уйлодашев тайёрлади



Мўтий чойни ичди, раҳмат айтди ва тавозе билан хайрлашиб, чиқиб кетди. Эртасига сингилларидан бир оғиз сўзни айттириб юборибди: "Киз ёқмади". Ўша куни тун бўйи Судҳа ухлай олмади. Бамисоли ажриқда ағанаб чиқди.

Судҳа чиройли ҳам эмасди, хунук ҳам. Рисоладаги қизлардайн бир қиз эди. Юзи бугдойранг, оёк-қўлларининг териси тип-тиник, феъли бирор как бўлган билин жуда меҳнаткаш: иш деганин тиндиради. Овқатни-ку асал қилиб юборади, кашта-рўмол тикишга сунги йўқ, саводхонликда ҳам ҳеч кимдан колишмайди. Аммо Худо уни хусндан, бойлиқдан, сўзамолидан қисган. Гап топиб на бироннинг кўнглини кўтара оларди, на ўзининг. Болалигидан доим бир ўзи ўйнади, лойдан кўтиричоқлар ясарди, улар билан гаплашарди. Кўтиричоқларни чўплардан ясалган сўрига ўтқазарди да, уларни овқатлантириади. Тўсатдан қизлардан биронраси олдига келиб қолгудек бўлса, кўтиричоқлар билан бийрон гаплашиб ўтирган Судҳанинг нафаси ичига тушиб, жим бўлиб қоларди. Битта-яримта шўхроқ ўғил бола келиб, ўнинг ўйиник ўйчасини бузид ташлагудек бўлса, аввалига хўнграб йилгар эди, бирорздан кейин йигидан тўхтаб, бошқа уйча ясашга киришиб кетарди.

Колледжа ҳам унинг ўғил ва қиз болалардан ўртоқлари бармоқ билан санарли эди. Уятчалиги ҳали ҳам қолмаганди, гўё ота-онасининг камбағаллигига у сабабичидай.

Отаси Живанрам махалла гузаридаги дўконлардан бирида ўттиз йилдан бери сотовчилик қилиб келарди. У қизини колледжа ўқитадиган аҳволда эмасди. Шундай бўлса-да, коллекция кирипит кўйди. Мақсади – қизини ўқиб, шаҳар олиб берадиган қилиш эмас, балки шу ўқиши баҳона биронта тузукроқ йигит толиб, турмушга бериб юбориши... Кечаю кундуз ўйхәли шу: зора, йигитлардан биронраси унга кўнгил кўйиб қолса. Бироқ қизининг кўримисиз юзи, кисиқ елкаси, тунд нигоҳларага қараб ота шўрликнинг ичидан киридин ўтиб кетарди ва қулдиратиб чилим торта бошларди.

Судҳага кўёв топилди ҳам дейлик, аммо ҳамма бало шунда эдик, оипаннинг орзусидагидай кўёв қалинни катта сўради. Бундай қалинни Судҳанинг отаси иккиси дунёда ҳам тўлайламасди. Ҳаёт суреб ўтириб-ўтириб, отанинг кўнглига бир гап келиб қолди. Ҳозирги вақтда бир-бираини севиб турмуш куриш анча арzonга тушаётганиши. Ана, Маликрамнинг қизи Гўйлий – отаси соглини сақлаш вазирлигига оддий хизматчи бўлиб ишлайди. Қизи эса бир миллионернинг (колледжа бирга ўқишишган) ўғлига тегиб олди. Ота кўй қавати ўйлардан бирида яшагани билан қизи чет эл русумли енгил машинада отасинига кунда қирқ марта келиб-кетади. Аммо Гўйлий бир күлтум сув билан ютиб юборгудек. Судҳа-чи? Ҳудди онасига тортган. Барibir қизига кўёв топиласа бўлмайди!

Судҳанинг онаси иккиси-уч жойга бориб, оғиз солди, аммо муроди ҳосил бўлмади. Бироқ бир гал у астайди ҳаракат қилганди, йигит бориб қизини кўришига рози бўлди. Бироқ Судҳа унга ёқмади. Йигитнинг ўзи ҳам мақтагулук эмасди, юзи чўтири, бўйи пакана, бу ҳам етмагандай, дудукланиб

гапиради. Ўзи тўсдай қоп-қораю момиқдай оплок қизни хоҳармишлар, қалининг скутр (мотоцикл) бўлсин эмиш. Скутр у ёқда турсин, оддий велосипед олишга ҳам қурби етмайдиган отанинг яна тарвизи кўлтиғидан тушди... Бироқ бафбашара бақалоқнинг унга уйланишига рози бўлмаганидан Судҳанинг боши осмонда эди. Кейин икки йил ичидан икки йигит уни кўрганин келди, иккаласи ҳам қизни ёқтиради. Аммо кўришувларнинг бундай якун топаётганидан Судҳа заррача хафҳи эмасди. У ташқаридан оғизвазим кўриниарди аммо юраги олов эди. Унинг хаёли олис-олисларда, баланд-баландларда учб қоради. Ўзини худди торва коронги дунёдан абадий чиқиб кетган-дек, бамисоли жаннатда юргандек хис этарди. Аммо бу ҳисларини ҳеч кимга ошкор этишин истамасди. Истаганда ҳам ўнинг гапларига ким ҳам ишонарди? Бекорга кутига бўлганин қолади. Аммо Судҳа ўзини зинҳор хунаклар қаторига кўшимасди. Худо унга хусн ўрнига ўзига бино кўйишдек бир хусусият отаган. Кўёв топилавермаганининг бош сабаби ҳам асли шунда эди. У ҳеч кимни назар-писанд қилимасди.

– Қанақа қиз тўқансан ўзи?! – туриб-туриб Живанрам асабайлашиб кетарди. – Қачон қарама, оғизга талқон солиб олади, тишининг оқини ҳам кўрсатмайди. Анави Капур соҳибининг қизларини кўр, гул-гул очилиб юради... Қизлар баҳтини очиқ чехрасидан толади. Бунинг эса... – Живанрам бор газабини хотинига сочарди.

– Капур соҳиб билан тенг бўлманг, – дерди хотини Маггхий. – У катта амалдор, тўрт юз рупия маош олади. Қизлари кунда икки марта кийим алмаштиради...

Живанрам тилини тишлаб, жим бўлиб қолди. У бир куни қайсиидир дўйонда экспедитор бўлиб ишлайдиган ўрготи Тутарамни учратиб қолди. Живанрам ундан сўради:

– Қизинг Бела ҳали ҳам колледжа ўқиятими?

– Ҳа, – жавоб берди Тутарам севинчи ичига симгай. – Келаси қишида уни узатишим.

– Қўёв топилдими? – сўради Живанрам.

– Йигитни қизимнинг ўзи топди, колледжа бир-бираини ёқтириб қолишишти. Бадавлат оиласдан экан.

Тутарам кетгап, Живанрамнинг лунжи осилиб, қовоғи уюди.

– Колледжа "Бир-бираини ёқтириб қолишишти", – деди Тутарамнинг чийилдик овогиза тақијд қилиб унинг гапини таракорларкан. – Ҳамманинг қизини кимдир ёқтиради? Отанинг овозида чексиз ҳасрат оҳянги бор эди.

Яна икки йил ўти. Судҳа эди Осиф Али кўчасидаги бир фирмада котиба бўлиб ишларди. У олдингидан ҳам кўра вазминроқ, мағруроқ ва ишчанроқ бўлиб кетганди. Тириқчиликлари ҳам анча яхшиланди, чунки Судҳа уйга юз рупиядан кептиримоқда эди. Офисдаги ишларини саранжомлагач, ҳар ферида машгулигига қатнан бошлаганди. Институтга кириши нияти ҳам йўқ эмасди.

Живанрам билан хотини Маггхий энди қизларига кўёв топилишига кўпроқ умид боғлашмоқда эди. Улар Судҳанинг маоши-

Кришан ЧАНДАР

дан тежаб-тергаб, скутрга пул ўига бошлаши.

Анчадан кейин Живанрам бир йигитнинг ота-онасига скутр ваъда қилиб, куда бўлишига кўндириди. Қалин пули, тўй сарп-лари, яна маҳр пули – барча зарур нарсалар келиши олингач, куб ёвлиши Мутый бўлажак келинин кўргани келди. Мўтийимиз сухсурдай йигит эди. Жингалак сочлари ўзига хўп ярашган, куч ёғилиб турган қадди-коматини кўриб, ҳар қандай кишининг ҳаваси келади. У роса ясан-тусан қилган Судҳа томонга қараб жилмайб кўйган эди, қиз ҳаяжондан титрай бошлади. Пиёла, унинг остидаги ликопча ҳам титрарди, қиз катта қийинчилик билан йигитнинг кўлига уни тутди.

Мўтий чойни ичди, раҳмат айтди ва тавозе билан хайрлашиб, чиқиб кетди. Эртасига сингилларидан бир оғиз сўзни айттириб юборибди: "Қиз ёқмади". Ўша куни тун бўйи Судҳа ухлай олмади. Бамисоли ажриқда ағанаб чиқди.

– "Қиз ёқмади" эмиш, – Судҳанинг онаси Маггхий жаҳл билан қозонда капири-и аллантириб гапиради. – Ўзи-чи, авлиё эканми? Юзлари думбок бўлгани билан бурни нақ бир қарич келади. Сингиллари-чи? Биттасининг кўзи гилай, иккинчиси маргимуш еган сичқонининг ўзи. Учинчи синглиси баққонлиниг қақир-қуқир тўла эски қопига ўшҳайди. Қизимнинг ой деса юзи, кун деса кўзи бор, шундайд қизни ёқтирамаса, кўр бўлади! – Шу гапларни айта-айта, она капирини тағин жаҳл билан айлантира кетди, ўзи қозондаги бўғирсоқ эмас, ўша йигит қовурилаётганди.

Бир куни Судҳа ишидан эртароқ чиқдида, қаршиидаги хиёбонга йўл олди. Бориб, бир ўринидек ўтириди. Хиёбон Дехли дарвозаси ёнгинасида жойлашган бўлиб, мъузажигина тинч гўшалардан бирни эди. Судҳа тез-тез бу ерга келиб, сукунат оғушида ҳаёлларига эри берар, дилдида губорларни шу тариқа аритарди. У ёғлизлидан кўрмасди, ёғлизлини унинг доимий дардкаши эди. У коронглиникни писанд қўлмасди. Коронглиник унинг сирдоши эди. Безорилардан хавфсиралмасди. Улар ҳам Судҳанинг танишар, унга яқин йўламасдилар.

– Нега бу ерга ёғлиз ўтирибсан? Тағин бир ўзинг? – бирдан эркак овози келди рўпрадан.

Судҳа чўчиб қўзини очди. Қаршиисида Мўтий жилмайб турарди. Ҳа-ҳа, башанг кийинган ўша Мўтий. Судҳанинг томогига нимадир тикилиб қолгандар, гапирилмасди.

Мўтий унинг ўнгина келиб ўтирида, аста деди:

– Рад қўлганимдан ҳафа бўлдингми? Судҳа индамади, кўзлари ёшланди.

– Қаттиқ ҳафа бўлдингми?

Судҳа яна индамади, кўз ёшлари юзига думалагат туша бошлади. Мўтий костюми чўнгтагидан рўмочла чиқарди-да, қизининг кўз ёшларини арта бошлади.

– Мени нимага ёқтирамаганингни изоҳлаб бера оласанми? Кўлимидан бир гал овқат емаган булсанг? Кўнглимидан нима гап борлигини билмасанг? Хўп, мени кўя тур, лаоқал тасавуримдаги фарзандимизнинг маъсум чехрасини кўз олдинга кептириби, юрагинг жиз этмадими? Умр бўйи оёғингини юваб, кўйлагингнинг тургасини қадаб қўядиган мана бу кўлларимни-чи? Бу кўлларга бир марта бўлса-да назар ташлалингми? Шу кўлларим билан сенга чиройли гулдор нимча тикиб бермоқи бўлганимни билсайдиган! Мўтий, менинг хандон отиб кулганирарни кўрмагансан, сочларинги ўйнамоқка чоғланган бармоқларим нағис-ниҳони ҳис килмагансан! Шундай экан, ёқмадинг дейшига қандай тилинг борди?

Ие... бу гапларни Судҳанинг ўзи гапирияпти? Қаёддан оқиб келяпти бу гаплар унинг кўнглигига? У тўхтосьиз гапиради ва йигиларди. Йиги ва гап орасида ҳаракатларни бошқара олмай қолдими, боши йигитнинг елкаси тараф эгилди.

(Давоми бор.)

Хиндий тилидан
Амир ФАЙЗУЛЛА таржимаси

ЎҚУВ КУРСЛАРИ

ИСЛОҲОТЛАР ТУБ МОҲИЯТИНИ АНГЛАМОҚ КЕРАК

Бугунги раҳбар нафақат аниқ бир касб-хунарнинг эгаси, қолаверса, юксак интеллектуал тафаккур соҳиби, узоқни кўра оладиган, доимо янгиликка интилиб, замон билан ҳамидадам бўлиб яшайдиган шахс бўлмоги лозим. Унинг ўз малакасини ошириб, замонавий билимларни мунтазам эгаллаб бориши давр талабидир. "Радиоалоқа, радиоизшиттириш ва телевидение маркази" ДУК раҳбар ходимлари учун жорий йилнинг 4-7 феврал кунлари ташкил этилган маҳсус малака ошириш ўқув курслари ҳам айнан раҳбарликнинг шу жиҳатларига қаратилди.



Давлатимиз раҳбарининг Олий Маҳлисга Мурожаатномаси мазмун-моҳияти таҳлили билан бошланган ўқув курслари мобайнида тингловчиларга мақали профессор ўқитувчилар, эксперт ва хуқуқшунослар томонидан соҳага оид назарий ва амалий семинарлар, тадқимотлар ўтказилди. Хусусан, ўқув курслари давомида корпоратив бошқариш асослари, бизнесни ташкил этиш ва бошқаришда рақамли технологияларни кўйлаш; замонавий маркетинг тушунчаси, маркетинг тамойиллари, мақсад ва вазифалари; техник йўналишдаги масалаларни ечиш йўллари; низолар ва уларни бошқаришининг психологияк йўллари; бизнес режасини ишлаб чиқиш ва бизнесни бошқаришининг психологияк жиҳатларидан.

Шунингдек, худудий филиаллар раҳбарлари фаолиятда юзага келадиган муаммоларни бартарап этиш, ечимларни топиш бўйича ўзаро амалий сухбатлар ўтказиш ва тажриба алмаси имкониятига ҳам эга бўлдилар.

Малака ошириш ўқув курслари якуннада тингловчиларга маҳсус сертификатлар ва эсдалик совғалари топшириш тадбিри бўлиб ўтди. Унда сўзга чиқ-



кан "РРТМ" ДУК бош директори М.Собиров корхонада ходимларнинг малакасини ошириш ишларини анъанавий тарзда йўлга кўйиш лозимлигини таъкидлadi.

- Бугунги кунда мамлакатимизда шиддат билан кечा�ётган янгиликнинг жараёнлари бошқарув кадрларининг билим ва кўнимларини ўзгарайтган шароитларга мослаштириш, раҳбар ходимларни тайёрлашга, улар малакасини оширишга янгица ёндашини талаб этмоқда, - деди жумладан М.Собиров. - Бошқарувни самарали ташкил этишда етакчилар, яъни раҳбар кадрларнинг ўрни ва роли бекёслиги ва шу сабабдан замонавий раҳбарлар янгича дунёкашга эга бўлиши, ислоҳотларнинг туб моҳиятини чукур англаб этиши, ўз устидаги мунтазам ишлashi таълаб этилади. Бу каби ўқув курслари юқоридаги масалаларни ҳам этишда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда сўз олган тингловчилар ҳам ўтказилган ўқув машғулотлари жуда фойдални бўлганилиги, олинган билимлар бугунги кунда соҳа олдига кўйилётган вазифаларни бажаришда кўл келишини таъкидладилар.

**Усмонжон Йўлдошев,
"Xabar" мухбiri**

ТАДБИР

НАВОЙИ ДаҲОСИГА ЭҲТИРОМ

Вилоятимиз олий ўқув юртларида ўзбек адабий тилининг асосчиси, буюк шоир ва мутафаккир, улуг давлат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 579 йиллигига бағишлиланган имлам анжуманлар, корхона ва ташкилотларда етук олимлар, таникли шоир ва адиллар билан учрашувлар бўйиб ўтди.

Биргина Аҳмад Фарғоний номидаги аҳборот-кутубхона марказида иккита тадбир ташкил этилди. Ҳарбий қисмларнинг "Навоий асарлари билимдонлари" кўрик-тандовида "Навоий издошлари", "Темурбеклар" ва "Билимдан ҳарбийлар" жамоалари ўртасида қызғин баҳслар ўтказилиб, гoliblar АКМ томонидан тақдирланган бўлса, "Навоий даҳосига эҳтиром" маънавий-маърифий адабий кечада "Темурбеклар" ҳарбий академик лицейи ўқитувчisi, ёш тадқиқотчи оlimma Feruza Bойназаровининг маърузаси тингланди. Маърузада Ҳазрат Алишер Навоийни англиш, ижодини пухта ўрганиш, қатор асарлари кенг оммага мўлжалланиш тайёрланадётгани, дунё миқёсида Навоий оптин мероси тарғиботининг аҳамиятига эътибор қаратиди.

Тадбир Фарғона ҳуқуқшунослик коллеки ўқувчилари, Фарғона шаҳридаги 4-умумталим мактабининг устоз Сурайё Тўхтасинова, Фарғона ихтисослаштирилган санъат мактабининг Дилшод Турсуналиев раҳбарлигидаги ўқувчилар гурӯлари яхши тайёргарлик кўриб келганликлари билан, айниқса, эса қоларли бўлди.

Иштирокчиларга АКМ эсдалик совғалари ва ташаккурномалари топширилди.

Хафиза САЛЯХОВА,
"Xabar"ning Farғona вилоятидаги мухбiri

ЭЪЛОНЛАР

15

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолияти лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига мувофиқ:

"DIV" масъулияти чекланган жамиятининг (Бухоро вилояти) аризасига мувофиқ шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини куриш бўйича фаолиятига 2014 йил 17 декабрда берилган АА серияли 0005231 рақами;

"TELECOM DIRECTION" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент шаҳри) аризасига мувофиқ тармоқларини куриш бўйича фаолиятига 2018 йил 26 декабрда берилган АА серияли 0006639 рақами;

"SILK ROAD TELECOM" масъулияти чекланган жамият шаклидаги кўшма корхонасининг (Тошкент шаҳри) аризасига мувофиқ:

- маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиха-лаш, куриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2016 йил 26 августда берилган АА серияли 0005897 рақами;

- шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини лойиха-лаш, куриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2016 йил 26 августда берилган АА серияли 0005898 рақами;

- ҳалқаро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2016 йил 26 августда берилган АА серияли 0005899 рақами;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолияти лицензиялаш тўғрисида низомнинг 23 ва 25-бандларига мувофиқ "GPAY PAYMENT TECHNOLOGIES" масъулияти чекланган жамиятинга (Тошкент шаҳри) маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2019 йил 29 юнусда берилган лицензия бекор қилинди.

МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АҲБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҚУЙИДАГИ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кафедра мудири: "Энергия таъминлаш тизимлари" кафедраси – 1

Катта ўқитувчилар: "Гуманитар фанлар" кафедраси – 1, "Аҳборот технологиялари" кафедраси – 1, "Тизимида дастурлаш асослари" кафедраси – 1, "Олий математика" кафедраси – 1, "Компьютер тизимлари" кафедраси – 1.

Ассистент (ўқитувчи)лар:

- 1, "Аҳборот технологиялари" кафедраси – 1, "Мултимедиа технологиялари" кафедраси – 1, "Информатика асослари" кафедраси – 1, "Маълумотларни узатиш тизимлари ва тармоқлари" кафедраси – 1

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичидаги қилинади. Танловда кўрсатилган лавозимлар бўйича фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етук мутахассислари қатнашишлари мумкин.


Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-йд, тел: 71-238-64-06.

Ўзбекистон Республикаси аҳборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 24 декабрдаги 466-ғсонли фармойишига асосан "Алоқа ва аҳборотлаштириш соҳаси тархи ва месори" жамоат фонди ҳисобракамига 2020 йил 10 февралда "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси томонидан 50 000,0 минг сўм ҳомийлик пули келиб тушди. Мазкур маблаб "Алоқа ва аҳборотлаштириш соҳаси тархи ва месори" жамоат фондини ҳамда Алоқа тархи музейининг 2020 йил учун тасдиқланган смета харажатларига йўналтирилади.

ТАБРИКЛАЙМИЗ • • • • •

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Манангиз филиалининг Тўракурғон туманлараро почта алоқаси боғламаси жамоаси Жомашуў алоқа бўлами бошлиги Анишия ҲУСАНОВИ күтлуг 50 ёши билан муборакбод этилди. Унга сиҳат-саломатлик, оиласи тинчлик-тотувлик тилаб қолади.

16 | ФОТОФАКТ



Фотограф-каптарлар. Улардан Биринчи жақон уруши пайтида кенг фойдаланылған. 1909 йил.

ТАДҚИҚОТ

ЭГИЗАКЛАР ВАЗНИ УЛАР ХАҚИДА БАШОРАТ ҚИЛАДИ

Түгилиш вақтідаги вазн орқали эгизакларнинг ўқишидаги мұваффақиятлардың фарқын аниқлаш мүмкін экан. Эгизаклардан камроқ вазнға ега қақалоқлар математика да ўқысадан ёмон натижаларни күрсатып шығарған қолда тажовузға ҳам мойил-роқ бўлишаркан.

Жоржтаун университети (АҚШ) олимлари янги туғилган эгизакларнинг вазни түрт ёшида уларнинг ақлий да ижтимоий ютукларига қандай тәсір қулишини текширишди. Тадқиқот оиласында ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда олиб борилди. «Тадқиқотимиз шуну күрсатдик, мактабга яхши тайерларлар нисбатан іюкори түгилиш вазни билан болғылғы, айниқса, ижтимоий-иқтисодий мақоми паст бўлган болалар учун», – дейді Жоржтаун университетине докторантни – тадқиқот раҳбари Кейтлин Хайнс. Унга кўра, илгари ота-онарлар хәтидаги мұваффақиятларга вазн омили тәсірини бартараф қилишга эмас, балки ривожланишдаги камчиликларга ётибор қартишган.

Тадқиқотда Эрта болалиниң Лонгитод (асосан социология ва психологияда қўлланиладиган илмий метод) тадқиқ қилиш (ECLS) мұялымларидан фойдаланылган. Олимлар туғилиш оғирлиги бирбиридан фарқ қиласидаги 700 жуфт эгизаклар ҳақидағи мәйлумотларни танлаб олишиди. Тадқи-

котчиларнинг фикрича, ушбу мұялымлар географик, ижтимоий-маданияттың да диний омилларнан ҳисобга олган ҳолда АҚШ ахолисининг демографик хусусиятларини акс эттиради.



Тадқиқотда болаларнинг түккіз ойлик ва түрт ёшлик күрсаткичлари баҳоланди. Болаларнинг хатти-ҳаракатлари ҳақидағи сұровномада уларнинг асосий васиіллери (кўпичча оналар) ва тарбияланувчилари иштирек этишиди. Шунингдек, түрт яшар болалар учун математика да ўқишидаги ютуклар баҳоланди.

Ижтимоий-иқтисодий ҳолат (ИИХ) она тарбияси ва оила даромадидан келиб чиқиб ўлчанди. Натижага эса оғирроқ вазн би-

лан туғилган болалар математика да ўқишида іюкори ютуқларга әрішиши бўйича ишончли тахминларни күрсатди. Шунингдек, бу омил ижтимоий ҳулк (дүстлик, қизиқиши, меҳрибонлик)ни кенгроқ намоён қилиши билан бирга, тажовузкор, таъсирчан ва зарарли хатти-ҳаракатларнинг камайышини яқол акс эттиради. Бу болаларнинг мактабга киришдаги мұваффақияттага ҳам тәсір қиласиди.

Бундан ташкәри, тадқиқот мұяллифлар үз натижаларидан маълум чекловлар мавжудигини ҳам тәкъидлашмоқда. Яни, вақтідан олдин ва қандайдир асоратлар белгиланған болалар ягона ҳомиладорлик билан дунёга келган болаларга нисбатан кам вазнға ега бўладилар. Шу боис тадқиқот натижалари сўнгилари учун аҳамиятсиз бўлиши мүмкін.

У.ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

ИБРАТ



АЛДАНИБ ҚОЛМАНГ

Бир одам йўлда кетаркан, дехқонга дуч келибди ва салом берибди:

- Ассалом алайкум!
- Ваалайкум ассалом! Йўл бўлсин, бирорадр?
- Сигиримга ем олмоқчиман, шу тарафда бир бақол бор экан, шунинг дўконига кетаплан.
- Шунақами... унда ёхиёт бўл, алданиб қолма!
- Мени ҳеч ким алдай олмайди!
- Мен айтдим-кўйдим-да...

У одам баққолнинг дўконига етиб келибди. Салом-аидидан сўнг, емнинг нархини сўрабди. «Фалон нарх», – дебди баққол.

– Яхши, менга ўн кило берсангиз.

Баққол ўтирган жойидан кўзғалмабди. Қўли билан дўконнинг орқа томонига эринибгина ишора қилиб дебди:

– Ўша ёқа ўтиб, емдан керагини олгин-да, менга пулини тўлаб кетавер. Ем тўкиб кўйилган жойда тарози ҳам бор.

Харидор кўрсатилган тарафга ўтиб, халтасини таразига кўйиб, ем сола бошлабди, ўн кило бўлгандан кейин қараса, атрофда ҳеч ким йўқ, баққол ўтирган жойдан бу тараф кўринмайди ҳам. Одам халтасига тўртбеш кило ортиқча ем солибди ва баққолга ўн кило ем учун пул тўлаб, уни алдабди. Чиқиб, ўз йўлига кетибди. Йўлда яна бояги дехқонни учратиди.

– Ем олдингми? – сўрабди дехқон.

– Ҳа олдим. Сиз алданиб қолма, дегандингиз. Баққолнинг алдашна элгаидиган одам эмас-ку, бир жойда мудраб ўтирибди. Қайтага мен уни бопладим, тўртбеш кило ортиқча ем олдим, сезгани ҳам йўқ...

Дехқон бу одамнинг юзига ачиниш билан бокиб, бошини сарас-сарас қилибди:

– Мен сенга айтгандим-а, алданиб қолишдан ёхиёт бўл, дегандим-а...

...Бугун сизни кимдир алдаган бўлса, куюнманг, гам чекманг, зотан бугун сизнинг эмас, алдаган кимсанинг алданиш куни бўлиди.

Турк тилидан
Фарангис ИСОМИДДИН таржимаси



Үқитувчи ўқувчисидан сўра-ди:

– «Қанд» сўзини қўшиб бир гап туз-чи!

- «Эрталаб қаҳва иҷдим».
- Бу гапда «қанд» сўзи йўқ-ку?
- Қанд қаҳванинг ичида эриб кетган-да!

* * *

Онаси ўйку олдидан қизига эртак ўқиб бермоқда:

– Қадим замонда бир ҳунарманднинг уч ўғли бўлган экан. Тўйнич ўғли жуда доно, ўртанача ўғли унчалик ҳам ақли эмас, кенжә ўғли эса умуман тенткат бўлган экан.

Қизалоқ:

– Ойжон, ҳунарманднинг соглиги борган сари ёмонлашиб бораверган экан-а?

Онаси:

– Нега унақа деяпсан қизим?

Қизалоқ:

– Ана, ўзингиз ўқидингиз-ку, фарзандлари борган сари ёмонлашиб боряпти экан.

МАНЗИЛИМИЗ:

100000, Тошкент шаҳри,
Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-йўл
(мўлжал: Олой бозори).

Телефоннор: 71-234-18-59, 71-234-18-31,
факс: 71-234-17-91. E-mail: info@habar.uz

Обига индекси — 228.

Газета таҳририят компютер базасида терилид ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ.

Навбатчи: Мухиддин СОЛИЕВ.



ISSN 2010-6424

Босишига топширилди — 23.00.
Босишига топширилши вақти — 24.00.